

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2025 йил январь ойининг 14 куни жиноят ишлари бўйича Қува туман суди ўз биносида, очик суд мажлисида,

Раислик қилувчи А.Рахимов,

судья ёрдамчиси Ж.Исмоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қува туман прокурори ёрдамчиси Х.Комилжонов, судланувчилар Х.Мамаджанов, Б.Шерматов ва уларнинг ҳимоячиси – адвокат Д.Рустамова ҳамда жабрланувчи Б.Тоштемировнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан Мамаджанов Хайрулла Муминович ва Шерматов Бобуржон Алишер ўғлиларга оид 1-1511-2401/419-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

1. Мамаджанов Хайрулла Муминович – 1975 йил 14 июль куни Фарғона вилояти, Марғилон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, тўрт нафар фарзандлари бор, вақтинча ишсиз, мукаддам:

1) Марғилон шаҳар ИИБ тергов бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши 2003 йил 2 январь куни ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 2-бандига асосан тугатилган;

2) жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2004 йил 22 мартдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми “е” банди билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 72-моддаси тартибида 2 йил синов муддати белгиланган;

3) жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2011 йил 16 апрелдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2010 йил 28 августдаги амнистия актига асосан тугатилган;

4) жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг 2016 йил 7 январдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

5) жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2017 йил 28 августдаги ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисмига асосан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб



қолинган ҳолда 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

б) жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2017 йил 28 ноябрдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б, в” бандлари билан, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми ва 62-моддаси тартибида иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган ҳолда 2 йил 11 ой 6 кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг 2019 йил 22 июндаги ажримига кўра, ўталмаган 1 йил 11 ой 16 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан ЖКнинг 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли озод қилинган;

7) жиноят ишлари бўйича Қўштепа туман судининг 2021 йил 11 январдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг 2023 йил 20 апрелдаги ажрими билан ўталмаган 7 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан ЖКнинг 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли озод қилинган;

7) жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг 2024 йил 3 майдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан ЖКнинг 60-моддаси тартибида иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 1 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жазонинг 3 ойини ўтаган, ўталмаган жазо муддати 1 йил 10 ой, Марғилон шаҳри, “Ёйилма” М.Ф.Й., Асилобод кўчаси, 212-уйда яшаган, жиноят иши бўйича қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилган, 2024 йил 4 сентябрь кунидан қамоқда, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 30 октябрь кuni олган.

2. Шерматов Бобуржон Алишер ўғли, 1993 йил 26 декабрь кuni Фарғона вилояти, Марғилон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, вақтинча ишсиз, оилали, икки нафар фарзанди бор, муқаддам:

1. жиноят ишлари бўйича Ёзёвон туман судининг 2024 йил 7 март кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан, ЖКнинг 62-моддасига асосан базавий ҳисоблаш миқдорининг



194,5 баравари миқдорида 47.602.5000 сўм жарима жазоси тайинланган,

2. жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2024 йил 21 октябрь кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисмига асосан базавий ҳисоблаш миқдорининг 194,5 баравари миқдорида 47.602.5000 сўм жарима ва 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жаримани тўламаган, Марғилон шаҳар, Маориф маҳалла фуқаролар йиғини, Улуғбек тор кўчаси, 6-уйда яшаган, жиноят иши бўйича қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилган, 2024 йил 21 август кунидан қамоқда, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 30 октябрь куни олган.

Суд, судланувчилар, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят ишида тўпланган далилларни суд мажлисида синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текшириб, тарафларнинг музокара сўзларини, судланувчиларнинг музокара ва охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни,

#### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Шерматов Бобуржон Алишер ўғли ўзганинг мулкани алдаш ва ишончни суиистъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритишни мақсадида, 2021 йилнинг март ойида таниши Тоштемиров Бийронжон Зоиржон ўғлининг Қува тумани, Қалинпўстин м.ф.й, Анҳор кўчаси, 100-уйида жойлашган мебель ишлаб чиқариш цехига келиб, унга Киргули мавзесида мебель савдо дўкони очганлигини, мебель маҳсулотлари берса бир ойда пулларини беришини айтиб, ишончига кириб, алдаб, икки дона жами нархи 7.000.000 сўмлик стол-стуллар тўпланини олиб, ушбу маҳсулотларини дастлабки тергов даврида аниқлашнинг имкони бўлмаган шахсларга арзон нархларда сотиб, пулларини шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

Бундан ташқари, судланувчи Б.Шерматов жинойий ҳаракатларини давом эттириб, такроран, ўзганинг мулкани алдаш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2022 йилнинг сентябрь ойида Б.Тоштемировнинг Қува тумани, Қалинпўстин м.ф.й, Анҳор кўчаси, 100-уйида жойлашган мебель ишлаб чиқариш цехига келиб, унга нархи 600 АҚШ доллари бўлган “Жозиба” номли мебель маҳсулотига ҳаридор борлигини, пулини бир кунда беришини айтиб алдаб, ушбу мебель маҳсулотини олиб кетиб, дастлабки тергов даврида аниқлашнинг имкони бўлмаган шахсларга сотиб, пулларини шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборган.



Бундан ташқари, судланувчи Б.Шерматов жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран, ўзганинг мулкани алдаш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2023 йил март ойи охирида телефон орқали Б.Тоштемировга Марғилон шаҳридаги “Оятилло” исмли танишида 1.000.000 сўм пулларини олиб бориб беришини айтиб алдаб, ушбу пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Бундан ташқари, судланувчи Б.Шерматов жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран, ўзганинг мулкани алдаш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2023 йил май ойи охирида Қува туманида Б.Тоштемировга 500 АҚШ доллари берса, пулларини 15 кунда қайтариб беришини айтиб алдаб, унинг 500 АҚШ доллари пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Бундан ташқари, судланувчи Б.Шерматов жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран, ўзганинг мулкани алдаш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2023 йил август ойи охирида Қува туманида Б.Тоштемировга 1900 АҚШ доллари берса, пулларини 15 кунда қайтариб беришини айтиб алдаб олиб, ушбу пуллардан 1000 АҚШ долларини бериб, қолган 900 АҚШ доллари пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Бундан ташқари, судланувчи Б.Шерматов жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран, ўзганинг мулкани алдаш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2023 йил ноябрь ойида Қува туманида Б.Тоштемировдан илгари ўзи сотган “Нексия 3” русумли автомашинани 9000 АҚШ долларига қайтадан сотиб олиб, шундан 8800 АҚШ долларини бериб, қолган 200 АҚШ доллари пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Бундан ташқари, судланувчи Б.Шерматов жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран, ўзганинг мулкани алдаш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2024 йил март ойи охирида Қува туманида Б.Тоштемировга 1000 АҚШ доллари бериб турса, “Жавохир” исмли танишида бўлган “Жентра” русумли автомашинани сотиб олиб, сўнг ушбу автомашинани бошқа шахсга фойдаси эвазига сотиб, ўзининг илгаридан бўлган қарзларини тўлаб беришини айтиб алдаб, Б.Тоштемировдан 1000 АҚШ доллари олиб, ушбу пулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Бундан ташқари, судланувчи Мамаджанов Хайрулла Муминович хавфли рецедивист бўлгани ҳолда, ўзганинг мулкани алдаш йўли билан қўлга киритиш мақсадида Шерматов Бобуржон Алишер ўғли билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлгани ҳолда, 2024 йил февраль ойи бошларида Тоштемиров Бийронжон Зоиржон ўғлининг Қува тумани, Қалинпўстин м.ф.й, Анҳор кўчаси, 100-уйида жойлашган мебель ишлаб чиқариш цехига келишиб, Х.Мамаджанов эгизак қизларига тўй маросимини қилаётганлигини, мебель тўплами бериб турса пулини бир ойда беришини айтиб алдаб, Б.Тоштемировнинг 2 дона “Хитой атиргули” номли жамаи нархи 27.000.000 сўмлик стол-стулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритганлар.

Бундан ташқари, судланувчи Х.Мамаджанов хавфли рецедивист бўлгани ҳолда, ўзганинг мулкани алдаш йўли билан қўлга киритиш



мақсадида Б.Шерматов билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлгани ҳолда, такроран, 2024 йил февраль ойи охирларида Тоштемиров Бийронжон Зоиржон ўғлининг Қува тумани, Қалинпўстин м.ф.й, Анҳор кўчаси, 100-уйида жойлашган мебель ишлаб чиқариш цехига келишиб, унга олган мебель маҳсулотлари қариндошларига ёқиб қолганлигини, яна мебель маҳсулотлари бериб турса пулини аввалги қарзларига қўшиб беришларини айтиб алдаб, Б.Тоштемировнинг 13.500.000 сўмлик “Хитой атиргули” номли ҳамда 7.800.000 сўмлик тўплам ҳолатидаги стол-стулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритганлар.

Бундан ташқари, судланувчи Х.Мамаджанов хавфли рецедивист бўлгани ҳолда, ўзганинг мулкани алдаш йўли билан қўлга киритиш мақсадида Б.Шерматов билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлгани ҳолда, такроран, 2024 йил март ойи бошларида Тоштемиров Бийронжон Зоиржон ўғлининг Қува тумани, Қалинпўстин м.ф.й, Анҳор кўчаси, 100-уйида жойлашган мебель ишлаб чиқариш цехига келишиб, унга илгари олган мебель маҳсулотларини пулларини бериш мақсадида кредит олишаётганини, кредит ҳужжатларини тайёрлаш учун 3.000.000 сўм пул кераклигини айтиб алдаб, унинг 3.000.000 сўм пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритишган.

Судланувчи Мамаджанов Хайрулла Муминович судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам Б.Шерматов таниши экани, 2024 йил февраль ойи бошларида Б.Шерматов унга пул кераклигини, Қува туманида мебель ишлаб чиқарувчи таниши Б.Тоштемировни алдаб қизини чиқараётгани сабабли қарзга мебель сўраб олиб берса, пулларини ўзи тўлашини айтганида, унинг гапига рози бўлиб Б.Тоштемировнинг яшаш хонадонига боришгани, шунда Б.Тоштемировга қизининг сепига мебель кераклигини айтиб, пулини бир ойда бериш шарти билан нархи 13.500.000 сўмлик икки тўплам жами нархи 27.000.000 сўм бўлган “Хитой атиргули” номли мебель маҳсулотларини олиб кетишганини, Б.Шерматов ушбу мебелларни сотиб, пулларини ўзининг эҳтиёжларига сарфлаб юборганини, орадан 10-15 кун ўтиб ўзига пул керак бўлиб қолганлиги сабабли Б.Тоштемировга пулларини аввалги қарзига қўшиб беришини айтиб нархи 13.500.000 сўмлик бир тўплам “Хитой атиргули” номли ҳамда нархи 7.800.000 сўмлик стуллар тўпламини олиб кетиб, ушбу мебелларни нотаниш шахсларга сотиб, пулларини ўзининг эҳтиёжларига сарфлаб юборганини, 2024 йил март ойи бошларида Б.Шерматовнинг гапига асосан билан Б.Тоштемировнинг яшаш хонадонига бориб, унга кредит олаётганини, бунинг учун 3.000.000 сўм кетишини, шу пулларни бериб турса 15-20 кунда кредит олиб барча пулларини қайтариб беришини айтганида, Б.Тоштемиров рози бўлиб 3.000.000 сўм берганини, сўнг Б.Шерматов ундан ушбу пулларни олиб ишлатиб юборганини, ҳозирда жабрланувчи Б.Тоштемировга етказилган 51.300.000 сўм моддий зарар фарзанди томонидан тўлиқ қопланганини, қилган ишидан пушаймонлигини кўрсатиб, суддан енгиллик беришни сўради.



Судланувчи Шерматов Бобуржон Алишер ўғли судда, айбига тўлиқ икромлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам жабрланувчи Б.Тоштемировни 2015 йилдан буён танишини, 2021 йил март ойида Киргули мавзесида мебель махсулотлари олиш-сотиш мақсадида савдо дўкони очганини, ўша вақтда Б.Тоштемировдан мебель махсулотларини олиб, ундан 7.000.000 сўм қарз бўлиб қолганини, 2022 йил сентябрь ойида Б.Тоштемировдан 600 АҚШ долларига “Жозиба” номли мебель махсулотларини сотиб олганини, Б.Тоштемировни “Оятилло” исмли танишидан 1.000.000 сўм пулларни олиб шахсий ишларига сарфлаб юборганини, 2023 йил май ойи охирида Б.Шерматовдан яна 500 АҚШ доллари олиб, пулларни вақтида қайтариб бермаганини, 2023 йил август ойида Б.Тоштемировдан 1.900 АҚШ доллари олиб, шундан 900 АҚШ долларини қайтариб бермаганини, 2023 йил ноябрь ойида Б.Тоштемировга “Нексия 3” русумли автомашинасини 9.000 АҚШ долларига сотганини, сўнг автомашинани кредит тўловида муаммолар бўлганлиги сабабли орадан вақт ўтиб, унга автомашина учун берган 9.000 АҚШ доллари пулларини бериб, автомашинасини қайтариб олганини, 2024 йилнинг февраль ойи бошларида пул зарур бўлиб қолганлиги сабабли Х.Мамаджоновга таниши Б.Тоштемировга тўй қилишини айтиб, ундан мебель махсулотларини олиш кераклигини, кейин уларни сотиб ишларини битириб олишини айтганида, Х.Мамаджонов рози бўлиб Б.Тоштемировнинг мебель цехига боришгани, шунда Х.Мамаджонов унга қизига тўй қилаётганлигини айтиб пулини бир ойда бериш шарти билан 2 тўплам “Хитой атиргули” номли мебелларни 27.000.000 сўмга сотиб олишганини, ушбу мебелларни нотаниш шахсларга арзон нархларда сотиб юборганини, 2024 йил февраль ойи охирида Х.Мамаджонов яна Б.Тоштемировдан нархи 13.500.000 сўмлик ҳамда 7.800.000 сўмлик мебел махсулотларини олганлигидан хабари бўлмаганини, 2024 йилнинг март ойи бошларида Х.Мамаджонов билан Б.Тоштемировнинг мебель цехига келишганида, Х.Мамаджонов Б.Тоштемировга 5-10 кунда кредит маблағлари чиқаётганлигини, ушбу кредит маблағлари чиқиши учун 3.000.000 сўм кераклигини, кредит маблағлари чиққанидан сўнг барча қарзларни тўлаб беришини айтиб, ундан 3.000.000 сўм олганида, Х.Мамаджоновдан ушбу пулларни олиб шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборганини, 2024 йилнинг март ойи охирида Б.Тоштемировга “Жавохир” исмли танишидан 10.000 АҚШ долларига автомашина сотиб олаётганини, дастлабки тўловига 1000 АҚШ доллари кераклигини, ушбу автомашинани олса қайта сотиб пулларини беришини айтиб, ундан яна 1000 АҚШ доллари олганини, ammo ушбу ишлари хал бўлмасдан “Жавохир” у берган 1000 АҚШ долларини илгариги қарзи эвазига олиб қолганини, ҳозирда жабрланувчи Б.Тоштемировга етказилган зарар тўлиқ қопланганини, қилган ишидан пушаймонлигини кўрсатиб, суддан енгиллик беришни сўради.

Бундан ташқари, суд, судланувчи Х.Мамаджанов ва Б.Шерматовнинг айби, қуйидаги далиллар билан ҳам тўлиқ тасдиқланади деб ҳисоблайди.



Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган Тоштемиров Бийронжон Зоиржон ўғли, ҳақиқатдан ҳам мебель махсулотларини ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланишини, 2021 йилнинг март ойларида Б.Шерматов қўнғироқ қилиб, Киргули мавзесида янги мебель савдо дўкони очганлигини, сотиб фойдаланиши учун стол махсулотлари кераклигини айтганида, уни гапларига ишониб 6 дона хар бирини нархи 3.500.000 сўм бўлган жами 21.000.000 сўмлик столларини берганини, уларни пулларини бир ой ичида сотиб беришини ваъда қилганини, Б.Шерматов ушбу столларини пулларини 3 ой давомида бермаганини, шунда унинг яшаш хонадонига борганида Б.Шерматов 4 дона столларини сотганлигини айтиб, 7.000.000 сўм берганида, қолган 2 дона нархи 7.000.000 сўмлик столларини қайтариб олиб келганини, 2022 йилнинг сентябрь ойларида Б.Шерматов “Жозиба” номли бир дона катта столи ва 12 дона кичик стуллари бўлган мебель тўпланини 600 АҚШ долларига келишиб, пулини ўша куни кечки вақтда жўнатиб юборишини айтганида, унга ишониб мебель махсулотини Марғилон шаҳрига жўнатиб юборганини, аммо Б.Шерматов турли хил бахоналар қилиб пулларини бермасдан келганини, 2023 йилнинг март ойи охирларида Марғилон шаҳрида яшовчи “Оятилло” исмли таниши унга 1.000.000 сўм пулларини бермоқчи бўлганида, Б.Шерматов “Оятилло”ни олдига бориб, ушбу пулларни ўзини ёнига келаётганлигини айтиб, ундан ушбу пулларини олиб, ўзининг эҳтиёжларига сарфлаб юборганини, 2023 йилнинг май ойи охирларида Б.Шерматовни олдига бориб кўришганида, Б.Шерматов ундан 15-20 кунда беришини айтиб яна 500 АҚШ доллари олгани, аммо у ушбу пулларни ҳам бермагани, 2023 йилнинг август ойи охирларида Б.Шерматов уни мебель цехига келиб, ўзининг кредитларини ёпиш учун 2.000 АҚШ доллари пул бериб турса, ушбу пулларини 15 кунда қайтариб беришини айтганида, унинг гапига ишониб таниши Ф.Хожиматовдан 1.900 АҚШ долларини олиб берганини, Б.Шерматов ушбу пулларни 1000 АҚШ долларини бериб, қолган 900 АҚШ долларини бермаганини, 2023 йил ноябрь ойи ўрталарида Б.Шерматов унга “Нексия 3” русумли автомашинасини 9.000 АҚШ долларига сотганини, сўнг ушбу автомашина кредит эвазига гаровга қўйганлигини билиб, унга автомашинани яна 9.000 АҚШ долларига қайтариб сотганида, Б.Шерматов 8.800 АҚШ долларини бериб, қолган 200 АҚШ долларини бермаганини, 2024 йилнинг февраль ойи бошларида Б.Шерматов цехига Х.Мамаджонов билан келиб, уни узоқ қариндоши эканигини, Х.Мамаджонов эгизак қизларини турмушга бераётганлигини, шу сабабли уларга стол-стул тўплами кераклигини айтганида, уларга нархи 13.500.000 сўмдан бўлган жами 27.000.000 сўмлик икки тўплам “Хитой атиргули” номли стол-стул мебелларини пулини бир ойда бериш шарти билан бериб юборганини, 2024 йилнинг февраль ойи ўрталарида Х.Мамаджанов қўнғироқ қилиб, унга берган мебеллари турмуш ўртоғига ва опасига ёқиб қолганлигини, шу сабабли ушбу мебеллардан бир тўплам ўзининг яшаш хонадонига, бир тўпланини эса опасининг яшаш хонадонига жўнатишини, пулларини бир



ойда беришини айтганида, унга ишониб бир тўплам 13.500.000 сўмлик “Хитой атиргули” номли стол-стул мебелларини ҳамда жами 6 дона хар бирининг нархи 650.000 сўмдан жами 7.800.000 сўмлик стулларни жўнатиб юборганини, тахминан 20-25 кун ўтганидан сўнг Х.Мамаджонов яшаш хонадонига Б.Шерматов билан келиб, унга мебеларини пулларини бериш учун кредит олаётганлигини, бир неча кун ичида пуллари хисоб рақамига тушишини Б.Шерматов, ундан яна 3.000.000 сўм сўраб, барча пулларини уч кунда беришини айтганида, гапига ишониб яна 3.000.000 сўм берганини, аммо Х.Мамаджонов пулларини бермагани сабабли унинг яшаш хонадонига борганида, қизи чиқиб дадаси уйда йўқлигини, ҳеч қандай тўй қилишмаганлигини, мебеллар ҳақида билмаслигини айтганини, шунингдек, 2024 йил февраль ойини охирларида Б.Шерматов яшаш хонадонига келиб, унга “Жавохир” исмли танишида бўлган “Жентра” русумли автомашинасини арзон нархга сотиб олиб қимматроқ нархга сотишини, шунда ундан бўлган қарзларини тўлашини, бунинг учун 1000 АҚШ доллари беришини сўраганида ишониб берганини, сўнг ўртоғи “Достон” ва Б.Шерматов билан Киргули мавзесига борганини, шунда олдиларига “Жавохир” исмли шахс келганида, Б.Шерматов ундан олган 1000 АҚШ долларини берганини, ўшанда “Жавохир” исмли шахс “хожакам ухлаб қолибди, эртага келинлар, эртага хал қиламиз” деганини, эртаси куни ҳам “Жавохир”ни олдига борганида турли бахоналар қилиб машинани бермаганини, сўнг “Жавохир”дан нима сабабдан машинани бермаётганини сўраганида, Б.Шерматов унга 1000 АҚШ доллари қарзини берганлиги айтганини, шундан сўнг мазкур ҳолатлар юзасидан ИИБга ариза билан мурожаат қилганини, ҳозирда етказилган зарардан 51.300.000 сўм қисми Х.Мамаджоновнинг фарзанди томонидан тўлиқ қопланганини, қолган зарардан ўз хохишига кўра воз кечишини, унга ЖПКнинг 282-моддаси 2-қисми талаблари тушунарли эканлигини, судланувчиларга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги кўрсатиб, суддан енгиллик беришини сўради.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Хожиматов Файзулло Фахриддинович, ҳақиқатдан ҳам “Бийрон мебел” МЧЖнинг раҳбари экани, МЧЖ мебель махсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланишини, судланувчиларни танимаслигини, жабрланувчи Б.Тоштемиров кўшниси бўлишини, 2023 йил август ойи охирларида Б.Тоштемиров танишларига 2.000 АҚШ доллари миқдорида пул бериб туришини, ушбу пулларни Б.Шерматов исмли танишига беришини айтганида, унга 1.900 АҚШ доллари берганини, орадан анча вақт ўтиб Б.Тоштемиров таниши Б.Шерматовдан олган 1000 АҚШ долларига ўзининг ёнидан 900 АҚШ доллари қўшиб, унга 1.900 АҚШ долларини тўлиқ қайтариб берганини, ушбу ҳолатни Б.Тоштемиров ёнида телефон орқали Б.Шерматов билан гаплашганида билган ўрсатди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Мўминов Хадятилло Хайрулло ўғли, ҳақиқатдан ҳам Х.Мамаджонов отаси эканини, унга нисбатан ўз ихтиёри билан кўрсатма беришини, 2024 йил февраль ойи бошларида



отаси ва Б.Шерматов Қува туманида яшовчи Б.Тоштемировнинг олдига келиб, ундан нархи 13.500.000 сўм бўлган “Хитой атиргули” номли мебелларни қизларига тўй қилишини, мебеллар қизларларини сепига деб алдаб олишиб, уларни сотиб пулларини эҳтиёжларига сарфлаб юборишганини, 2024 йил февраль ойи охирларида отаси Б.Тоштемировга аввал олган мебеллари қариндошларига ёқиб қолди деб алдаб, ундан яна бир тўплаб 13.500.000 сўмлик “Хитой атиргули” номли мебеллар тўпламини ҳамда нархи 7.800.000 сўмлик стулларни олиб кетиб, уларни ҳам сотиб унинг пулларини эҳтиёжларига сарфлаб юборганини, шунингдек, отаси ва Б.Шерматовлар 2024 йил март ойи бошларида Б.Тоштемировга олган жами нархи 48.300.000 сўмлик мебель махсулотларини пулларини кредит маблағлари чиқиши билан беришларини, кредит маблағлари чиқиши учун барча ҳужжатлари тайёр эканлигини, уларни олиш учун 3.000.000 сўм кераклигини айтишиб, ундан яна 3.000.000 сўм олишиб, ушбу пулларни ҳам ўзларининг эҳтиёжлари йўлида сарфлаб юборишганлигини, ушбу ҳолатларни дастлабки тергов даврида билганини, ҳозирда жабрланувчига етказилган 51.300.000 сўм моддий зарар тўлиқ қоплагани кўрсатиб, отасига нисбатан енгиллик беришини сўради.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Тоштемиров Лазизбек Воҳиджон ўғли, жабрланувчи Тошпўлатов Бийронжон Зоиржон ўғлига ўхшаш кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Умаров Жавохир Исмоилович, ҳақиқатдан ҳам Б.Шерматовни бир йилдан буён танишини, 2023 йил ноябрь ойи охирларида Б.Шерматов “Жентра” русумли автомашинани 13.000 АҚШ долларига сотиб олиб, шундан 500 АҚШ доллари бергани, 12.500 АҚШ долларини 3-4 ойда бўлиб-бўлиб беришини айтганини, шундан сўнг жами 12.000 АҚШ доллари беришини, 2024 йил февраль ойи охирларида Б.Шерматов олдига келиб, 1000 АҚШ доллари қарзларини берса, 10.000 АҚШ доллари қийматидаги “Жентра” русумли автомашинасини насияга беришини илтимос қилганида рози бўлганини, орадан 3-4 кун ўтиб Б.Шерматов ва 2 нафар нотаниш шахслар келишиб, Б.Шерматов 1000 АҚШ доллари қарзини бериб, “Жентра” русумли автомашинаси беришини сўраганида, унга ишончи йўқолгани сабабли бахона қилиб автомашинани бермаганини, икки кундан сўнг Б.Тоштемиров келиб, Б.Шерматов айтган автомашинани қачон беришини сўраганида, у 1000 АҚШ доллари қарзини берганлигини, унга ишончи йўқолгани сабабли автомашинани бермаслигини айтганини кўрсатди.

Юқоридагилардан ташқари, суд, судланувчи Х.Мамаджанов ва Б.Шерматовнинг айби суд мажлисида ўқиб эшиттирилган гувоҳ О.Қундузовнинг дастлабки терговдаги кўрсатуви, жиноят ишидаги хабарнома, ариза, тилхат, тушунтириш хатлари, сўроқ қилиш баённомалари ва юзлаштириш баённомалари билан тўлиқ ўз исботини топди деб ҳисоблайди.



Шундай қилиб, судланувчи Х.Мамаджанов хавфли рецедивист бўлгани ҳолда, такроран ўзганинг мулкини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми “б” бандида кўрсатилган жиноятни содир этган.

Шундай қилиб, судланувчи Б.Шерматов такроран ўзганинг мулкини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми “б” бандида кўрсатилган жиноятни содир этган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7, 8, 42, 54-моддалари, Олий суд Пленумининг 2006 йил 13 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорида жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг ва бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши, айбдорга энгилроқ жазо қўллаш орқали кўзланган мақсадга эришиб бўлмаган тақдирдагина оғирроқ жазо тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини, қилмишнинг сабаби, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдори, айбдорнинг шахсини ва жазони энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиб, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши кўрсатилган.

Суд, судланувчи Х.Мамаджановга нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори тушунтиришларига риоя қилиб, жиноятни ғаразли ва бошқа паст ниятларда содир этганини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида топиб, қилмишнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини, унинг шахсини, айбига тўлиқ иқроор ва пушаймонлигини, оилавий шароитини, қарамоғида тўрт нафар фарзандлари борлигини, етказилган зарарлар тўлиқ қопланганини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини ва энгиллик бериш тўғрисидаги музокара сўзини жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, Жиноят кодексининг 168-моддаси 5-қисми талабидан келиб чиқиб, унга нисбатан модда санкциясида белгиланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми ва 61-моддаси тартибида муқаддам жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг 2024 йил 3 май кунги ҳукми билан тайинланган жазонинг ўталган қисмини янги тайинланган жазога қисман қўшиш йўли билан ўташ учун узил кесил жазо тайинлашни лозим топди.

Суд, судланувчи Б.Шерматовга нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори тушунтиришларига риоя қилиб, жиноятни ғаразли ва бошқа паст ниятларда содир этганини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида топиб, қилмишнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини, унинг шахсини, айбига тўлиқ иқроор ва пушаймонлигини, оилавий шароитини, қарамоғида икки нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, етказилган зарарнинг бир



қисми қопланиб, жабрланувчи қолган қисмидан воз кечганлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини ва енгиллик бериш тўғрисидаги музокара сўзини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, Жиноят кодексининг 168-моддаси 5-қисми талабидан келиб чиқиб, унга нисбатан модда санкциясида белгиланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми ва 61-моддаси тартибида муқаддам жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2024 йил 21 октябрь кунги ҳукми билан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазонинг ўталган қисмини янги тайинланган жазога қисман ҳамда жарима жазосини тўлиқ қўшиш йўли билан ўташ учун узил кесил жазо тайинлашни лозим топди.

Шунингдек, суд, жабрланувчи Б.Тоштемировга етказилган моддий зарардан 51.300.000 сўмлик қисми тўлиқ қопланганлигини ҳамда қолган зарарлардан ўз ихтиёри билан воз кечганлигини, шунингдек, унга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 282-моддаси 2-қисми талаблари тушунтирилганини инобатга олишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 421, 454-457, 460, 462-463, 465, 468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

#### Ҳ У К М Қ И Л Д И:

1. Мамаджанов Хайрулла Муминович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Мамаджанов Хайрулла Муминовичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 59-моддаси 8-қисмига асосан янги тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм билан тайинланган жазонинг ўталган қисмини қисман қўшиш йўли билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган ҳолда 2 (икки) йил 3 (уч) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 62-моддасига асосан Х.Мамаджановни 2024 йил 4 сентябр кунидан 2025 йил 14 январь кунига қадар 133 кун қамоқда сақланган ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштирилиб, иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 1 (бир) ой 26 (йигирма олти) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Жазони мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган корхона, муассаса ва ташкилотларда ўтатирилсин. Жазони ўташ муддати жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.



Жазони ижро этиш Марғилон шаҳар ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Х.Мамаджановга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси бекор қилиниб, суд залидан дарҳол қамоқдан озод қилинсин.

2. Судланувчи Шерматов Бобуржон Алишер ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Шерматов Бобуржон Алишер ўғлига Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми «б» банди билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 59-моддаси 8-қисми ва 61-моддасига асосан янги тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм билан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталган қисмини қисман ҳамда жарима жазосини тўлиқ қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 194,5 баравари миқдорида 47.602.500 (қирк етти миллион олти юз икки минг беш юз) сўм жарима ва 5 (беш) йил 1 (бир) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгилансин.

Жазо ўташ муддати 21.08.2024 йилдан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Б.Шерматовга нисбатан қамоққа олиш эҳтиёт чораси ўзгартиришсиз қолдирилсин.

Жабрланувчи Б.Тоштемировга етказилган моддий зарардан 51.300.000 (эллик бир миллион уч юз минг) сўмлик қисми тўлиқ қопланганлиги ҳамда қолган зарарлардан ўз ихтиёри билан воз кечганлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка муддат ичида, судланувчилар ва жабрланувчи эса ҳукмнинг кўчирма нусхасини олгандан сўнг шу муддат ичида туман суди орқали Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ўн суткалик муддат ўтганидан сўнг эса кассация тартибида протест ёки шикоят келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи:

имзо

А.Рахимов

Нусхаси аслига тўғри;

А.Рахимов

